

Президент ташриф буюрган Шеробод тумани Бўстон ҳудудида соя ўсимлиги юқори ҳосилга кирди



Юртимизда экилаётган дуккакли дон экинлари орасида соя ўсимлигининг қадри баланд бўлиб, буғдой, шоли ва маккажўхоридан кейинги ўринни эгаллайди. Соянинг дони ва оқсилидан тўрт юздан зиёд турли хил маҳсулот тайёрланади. Унинг дони таркибида 45 фоизгача оқсил ва 25 фоизгача ўсимлик мойи, чорва моллари оқсилида камдан-кам учрайдиган аминокислоталар мавжуд. Соя оқсилидан экологик тоза сифатли мой, таркибида лецитин моддаси сақлайдиган тухум кукуни, қон плазмалари, кўзойнаклар учун сифатли линзалар олинади.